

**M.A. Xujamberdiyev, N.S. Mamasoliyev,  
R.U. Muhitdinov**

***HAMSHIRALIK***  
***ISHI***

**M.A. Xujamberdiyev, N.S. Mamasoliyev,  
R.U. Muhitdinov**

# ***HAMSHIRALIK***

## ***ISHI***

**O'zbekiston      Respublikasi      Sog'liqni      Saqlash  
Vazirligining   O'quv-uslubiy idorasi tomonidan tibbiyot  
institutlari   talabalari   uchun   darslik   sifatida   ruxsat  
berilgan.**

- Taqrizchilar:**
1. Tibbiyot fanlari doktori, professor, Andijon Davlat tibbiyot institutining 1-umumiy amaliyot vrachlari tayyorlash kafedrası mudiri – Saloxidinov Zuxritdin Saloxidinovich
  
  2. Tibbiyot fanlari doktori, professor, Toshkent vrachlar malakasini oshirish instituti umumiy amaliyot shifokorlari tayyorlash kafedrası professori - Fozilov Abduqaxxor Voxidovich

**SO'Z BOSHI**

O'zbekiston Respublikasida tayorlanayotgan o'rta tibbiyot hodimlarining jaxon andozalariga mos kelishi, xalqaro tibbiyot talablariga javob bera oladigan oliy va kichik hamshiralik tibbiyot mutahassislari tayyorlash hozirgi kunning dolzarb masalalaridan biri bo'lib qolmoqda. «Ta'lim to'g'risida»gi Qonunning «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»ning qabul qilinishi ta'lim jarayonining sifat va mazmunini tubdan yaxshilashni talab qiladi. Xozirgi vaqtda o'qitishning zamonaviy texnik vositalari, informatsion texnologiyalar, inavatsion o'qitish usullari keng joriy qilinmokda. Nazariy va amaliy mashg'ulotlarni bir-biriga bog'lab olib borish o'zining ijobiy samarasini beradi. Ushbu «Hamshiralik ishi» darsligi o'quvchilarni «Hamshiralik ishi» fanidan muolajalarni bajarish texnikalarini o'rganishda amaliy malakalarini oshirishga ijobiy yordam beradi. Ayniqsa, muolajalarni bajarish texnikasini izoxli tasviri amaliy ko'nikmalarning tezroq va mukammal o'zlashtirishda qulaydir. Ushbu darslik muolajalarni bajarish texnikasi bayoni bilan berilgan birinchi qo'llanma bo'lib, ayrim kamchiliklardan xoli emas. Muallif ushbu qo'llanmaning keyingi nashrlarini tayyorlashda yordam beradigan fikr va mulohazalarni mamnuniyat bilan qabul qiladilar.

## I. BOB. SHIFOXONADA BEMORLARNI QABUL QILISH

### Bemorning sanitar tozalovi

Bemorning xolatiga qarab sanitar tozalov to'liq (vanna, dush) va qisman (artish va chumiltirish) bo'lishi mumkin.

Bemorlarni sanitariya-gigiyenik tozalovdan o'tkazishdan ilgari qabulhonadagi tibbiy hamshira tomonidan albatta bemor tanasining sochli qismini bemorda pedikulez (bitlik) bor yoki yo'qligiga ishonch hosil qilish uchun sinchiklab qarab chiqiladi.

Bosh va ko'ylak biti ogir yuqumli kasalliklarni, toshmali va qaytalangan epidemik tifni kelib chiqishiga asosiy sabab hisoblanadi.

Shuning uchun tibbiy xamshira bemorda bit yoki bit urugini aniqlab qolsa (rasm 1, a,b), albatta, bemor dezinfeksiya tozalovidan o'tkazilishi zarur.

Bitlikilik aniqlanganda tibbiy hamshirani ketma-ket bajaradigan xarakatlari (rasm 2 a,b,v,g,d) quyidagicha:

1. Qo'shimcha halat va ro'mol o'rang
2. Bemorni holati imkon bersa suv qogoz solingan yogoch karavotga o'tkazing
3. Bemorning sochini 5 foizli borat malxami yoki «Nittiforom»da tozalovdan utkazing
4. Rumol bilan 20 dakika sochlarini yoping
5. Sochlarini suvda yuving
6. Kalin tarokda sochlarni 10-15 dakika davomida tozalang
7. Bemorni kiyim-kechaklarini dezinfeksiya kamerasiga junatish uchun ularni taxlab kopga joylang
8. Kasallik varaqasi tituliga bitlikilikni aniqlanganligi haqida «R» belgisini qo'ying

Gigiyenik vannani tayyorlash va o'tkazishda ketma-ket bajaraladigan

xarakatlar:

1. Vannani mochalka yoki cho'tkada sovun bilan yuving va 0,5 foizli xlorli oxak eritmasida yoki 2 foizli xloramin «V» bilan, sung kaynok suvda chayib oling.
2. Vannani «Dixlor-1»dan foydalanib tozalov utkazish
3. Vannani suv (35-370S) bilan tuldiring
4. Bemorni vannada kulay joylanishiga yordam bering. Suv tush satxigacha yetishi kerak. Bemor vannada siljimasligi uchun yogochdan tayyorlangan tirgakni vannani oyok kismiga kuying (rasm 3 a)
5. Bemorni sovunlashgan mochalka bilan eng avvalo boshini, sung tanasini, kul oyoqlarini, chov va oralik kismalarini kamida 20-25 daqiqa yuving
6. Bemorni vannadan chiqishiga, isitilgan sochik yoki choyshab bilan artinishiga yordam bering

### Eslab qoling!

Bemorga sanitariya tozalov o'tkazishda tibbiy hamshiraning qatnashishi va boshqa zaruriyat bo'lganda, masalan bemorning umumiy holati yomonlashganda (yurak sohasida ogriqlar paydo bo'lganda, yurak tez urganda, bosh aylanganda, teri qoplamlari oqarganda) gigiyenik vannani to'xtatish zarur, vrachgacha bo'lgan yordam ko'rsatilib bu xaqda navbatchi shifokorga habar beriladi.

## Gigiyenik dushni tayyorlashda va o'tkazishda ketma-ket bajariladigan xarakatlar:

1. Vannani yuving
2. Vannaga skameykani qo'ying va bemorni huddi shunday vannadagidek ketma-ket yordam bering (rasm 3,b)
3. Tanani kuriguncha sochikda arting va odeyal bilan yoping
4. Bemorni artinishiga va kiyinishiga yordam bering

### **Eslab qoling!**

Sanitariya tozalovni fakat shifokor aniklab beradi!

Bemorni artinishida ketma-ket bajariladigan xarakatlar:

1. Bemorni ostiga suv kogoiz kuying
2. Suv namlanguncha gubkada bemorni buyin, kukrak, kullarini arting
3. Tanani kuriguncha sochikda arting va odeyal yoping
4. Xuddi shuningdek, yelkani, kul-oyoklami arting

Eslab qoling!

Sanitariya tozalovni fakat shifokor aniklab beradi!

Bemorni bo'linga tashish qoidalar:

Bemorning umumiy holatiga ko'ra tashish usulini belgilash, ya'ni zambilda (kulda yoki katalkada), aravachada, kulda, piyoda tashishni shifokor aniqlab beradi.

Bemorni zambilda (katalkada) tashish uchun ketma-ket bajariladigan harakatlar.

Zambilni kushetkaga nisbatan perpendikular (tik chizik) bo'ylab qo'ying, uning bosh qismi kushetkaning oyok qismiga to'g'ri kelsin.

Ucha tibbiy xodimlar bemor oldida bir tomonlama turishsin:

a) bir kulini boshini ostidan va kurak ostidan utkazsin

b) ikkinchisi tos sonini yukori kismini, uchinchisi sonini va boldirini urtasidan (rasm 4 a,b) ushlasin

Agarda zambilning tagida katalka bo'lmasa 2-4 odam qo'lda olib boradi. Bemor sekin silkitmay olib boriladi, zinadan pastga tushganda oyoklari oldinda va biroz yukoriga kutariladi, bosh kismi biroz pastlangan. Shunday qilib, zambilning ko'ndalang holatiga erishiladi.

Eslab qoling!

Bemorni zambilda transportirovka qilish paytida oyo'qqa qarab yurmay, qisqa qadam bilan biroz oyo'qni tizzada bukib zambilni qat'iy ushlab ko'ndalang holatida ko'chiriladi (rasm 5, a,b,v).



Agar biror kim transportirovka paytida charchagan bo'lsa, bu haqida darhol habar berishi kerak, chunki charchagan bemorlar ixtiyorsiz bo'shashib ketishi mumkin.

Bemorni gildirakchali aravada tashish uchun tibbiy hamshira bajaradigan xarakatlar ketma-ketligi:


1. Kichik hamshira aravachani oldinga engashtirib, oyo'gini tirgakka qo'yadi.
2. Bemorni oyo'q qo'yilgan tirgakka turish suraladi va uni ushlab turib aravachaga o'tkazing.
3. Gildirakchali aravani oldingi holatga tushuriladi.
4. Bemorni ko'chirishda uning qo'llarini tirsakdan chiqarmasligi suraladi


### **Eslab koling!**

Bemorni tashish vaqtida xar bir tibbiy xamshira tibbiy kartasini bo'linga olib borib, palata hamshirasiga topshirishi kerak.




Rasm 1. a) Bosh biti, b) sirka






Rasm 2. Pedikulyoz aniqlanganda tibbiy hamshiraning ketma-ket harakati (matnda tushuntirilgan)



Rasm 3. To'liq sanitary ishlovi: a) vannada, b) dush ostida



Rasm 4. Bemorni zambilga joylash qoidasi: a) uch kishi yo'rdamida  
b) ikki kishi yo'rdamida

### **ANTROPOMETRIYA**

Odam tana ogirligini ulchashda bajariladigan xarakatlar ketma-ketligi:

1. Panelni ustidagi halqani oching (1), o'ng tomonda joylashgan tarozining vintilini tartibga soling
2. (2), xar tomonda joylashgan tarozini shayini nulga keltiring (3), xalqani yo'ping (4).
3. Halqani berkiting va bemorni maydonning markaziga shippaksiz suv qogoz ustiga turishni taklif kiling.
4. Halqani ochib, tahtachada toshni tarozi shaynini chapga, toki u nazorat nuqtasiga to'g'ri kelmaguncha siljiting
5. Olingan ma'lumotni o'lchovli harorat varakasiga yozing
6. Tarozi maydonida joylashgan suv qogozni dezinfeksiya qiling

#### **Tana vaznini o'lchash**



To'g'ri o'rnatilgan va yaxshi muvozanatga keltirilgan o'nlik tibbiy tarozida nahorga, ich kiyim, qovuq va yaxshisi, ichi bo'shatilgandan so'ng o'lchanadi.

Bemor maydonchani o'rtasiga kalitning ko'tarib qo'yilgan holatida extiyotlik bilan chiqadi. Bunda qattiq silqinishdan saqlanish lozim. Muvozanat holati yuzaga kelgandan so'ng kalit pastga tushiriladi. Tana vazni, pastki va yuqorigi kursatqichlarda yuklar to'xtagan bo'linmalarning ikkita soni yigindisi bo'yicha aniqlanadi (rasm 6).



Buyni bo'y o'lchagich (rostometr) bilan ulchashda ketma-ket bajariladigan harakatlar:


1. Bo'y o'lchagichini yonida turing va uni siljiydigan surgichini taxminan boshni ustiga nisbatan yuqoriga ko'taring (rasm 7)
2. Bo'y o'lchagichni tik tirgovuchi, maydonchada o'rnatilgan santimetr bo'linmalari bo'ladi, tirgovuch bo'ylab ko'ndalang joylashgan surgich suriladi. Buyni ulchashda bemor tirgakka to'voni, dumbalari, kuraklari va ensasini tekkizib orkasini ugirib turadi
3. Boshi tashki eshituv yulining yukori chekkasi va kuz burchaklari bitta kundalang chizikda turadi. Buy ulchagich plankasi bulinmalari (shkala) surgichning pastki chekkasi buyicha xisoblanadi (rasm 8.da bu masofa «X» xarfi bilan ifodalangan)
4. Bo'yni xisoblang: 100 sm ga bo'y o'lchagichni maydonchasidan avvalgi katakchadagi aniqlangan me'yorga o'lchangandagi masofani qo'shing, shunday qilib, bo'y teng: 100 sm + «X».

Ko'krak kafasi ekskursiyasini aniqlashda santimetrli lenta bilan oldingi tomondan IV qovurga bo'yicha orqadan esa ko'kraklarning burchaklari ostidan o'lchanadi. Bemorning qo'llari pastga tushirilgan bo'lishi, u tinch nafas olishi lozim. O'lchash chuqur nafas chiqarish vaqtida shuningdek maksimal nafas olish chuqqisida bajariladi (rasm 8 a,b,v).




Rasm 5. Bemorni tashish: a) zambil – aravachada, b) Kursili – aravacha yo’rdamida, v) Qo’l zambili yo’rdamida






Rasm 7. Bo'y uzunligini aniqlash



a.



Rasm 8. Ko'krak qafasi nafas ekskursionini aniqlash (matnda tushuntirilgan)

## II. ВОВ. БЕМОРНИ ШАХСИЙ ГИГИЕНАСИ

### Кийимларни алмаштириш

Тушак-курпалар етарли калин булиб, гадир-будур булмаслиги, юзаси таранг булиши керак, ёстиги юмшок, одеяли мавсумига кура байка ёки жундан булиши керак.

Курпа-тушак ва ички кийимлари камида бир ҳафтада бир марта алмаштирилиб (албатта санитария тозаловдан утказилиб) турилади. Огир касалларни эса ифлосланганлигига қараб тез-тез алмаштирилади; огир касалларни ички кийимларида чоклар, чандиклар, илгаклар булиши керак эмас.

Чойшаб устида сув коғоз ва таглик солиш керак.

Эрталаб ва кечкурун уйкудан аввал мунтазам равишда тушакни силкиб, тозалаб, чойшабни бурмаларини текислаб, ёстикни кокиб туриш тавсия этилади (икки усулда чойшаб алмаштирилади).

Биринчи усул (расм 9, а) агарда беморга уз урнида курпа тушагида гавдасини айлантришига рухсат берган булса (курпа режаси сакланади).

Кетма-кет бажариладиган ҳаракатлар:


1. Узун чойшабни узунасига ярмигача сиргантриб уранг
2. Беморни бошини кутаринг ва ёстикни олиб ташланг
3. Каравотни тирагига беморни ёнига айлантринг
4. Узунасига ифлосланган чойшабларни бемор томонга сиргалтриб уранг
5. Буш қолган курпага тоза чойшабни ёзинг
6. Беморни қалқанча, сунг бошқа бикинига ағдаринг, тоза чойшабда қолсин
7. Ифлосланган чойшабни олиб ташланг ва тозасини текис қилиб ёзинг
8. Чойшабни қиргогидан тушак тагига қайиринг

### Иккинчи усул

Расм 9 б. Бу усул агарда беморга фаол курпада ҳаракат қилиш мумкин булмаган пайтида қулланилади (қаттиқ курпа қондасига риоя қилинади).

Кетма-кет бажариладиган ҳаракатлар:

1. Тоза чойшабни бинт сингари тула қундалангига уранг
2. Беморни танасини юқори қисмини аста-секин кутаринг. Ёстигини олиб ташланг



a



3. Каравотни бош кисмида зудлик билан ифлос чойшабни бел кисмига уранг, каравотни буш кисмига тоза чойшабни ёзиб куйинг
4. Тоза чойшабга ёстикни куйинг ва беморни бошини туширинг
5. Беморни тос кисмини сунг оёгини кутариб, ифлос чойшабни силжитинг, тоза чойшабни ёзинг. Беморни тос ва оёгини туширинг, чойшабни киргокларини тушак остига киргизинг

### Терини парвариш килиш

Беморни териси тоза меъёрий ҳолатда булса уз вазифасини бажаради. Бунинг учун ҳар куни эрталаб ва кечкурун тозалаб турилиши керак.

Ифлосланган тери ёғ ва тери безларини шох тангалари чангини айникса аёлларни култик таги чуқурлигидаги сут безларини тери ости бурмаларидаги ифлосланган ёғ ва тери безларини ажралишига имкон беради.

Кушимча сийдик аъзолари ва ичак ажралмалари билан оралик териси ифлосланади.

Беморни ваннада ёки душ остида камида ҳафтада бир маротаба ювиш керак.

Агарда беморга ванна ёки душга курсатма булмаса унда ҳар куни ювинтириб кулини овкатдан аввал хожатхонадан сунг ювиш ва ҳар куни тозалаш. Огир беморларни сув билан, илик камфора ёки сирка кислотаси 1-2 ошхона қошигида 0,5 л сувда аралашган тампон билан тери артилади ва куритилади.

Огир беморларни камида ҳафтада 2-3 маротаба иссик сув куйилган тосда оёғ ва бошини ювиш керак (расм 10 а,б).

Чот териси ҳар куни ювиб туришни талаб килади. Юрадиган беморлар эса шу мақсадда «Биде» (расм 11 а) дан фойдаланишлари керак.

Огир беморлар бушанганларидан ва сийганларидан сунг чотларини ювишлари керак.

Аёллар ювинишларидаги кетма-кет бажариладиган ҳаракатлар (расм 11 б):

1. Беморни чалканча ётишига ёрдам беринг тиззаси, биров букилган ва икки томонга кенгайтирилган булиши зарур.
2. Сув коғозни ёзиб, унга тувакни куйинг
3. Беморни унг томонида туриб, чап кулингизда кузачани ушлаб стерил салфетка билан унг кулда жинсий аъзоларига антисептик эритмани куйинг, стерил салфеткани жинсий аъзоларидан орқа пешов тешигигача тепадан пастга қараб ҳаракат килинг
4. Курук стерил салфеткада чот терисини куритинг худди шу йуналишда артинг
5. Тувак ва сув коғозни олиб ташланг

## **Ёток ярани олдини олиш**

Ёток яра огир беморларда пайдо булишига сабаб улар узок муддат ичида кундаланг ётадилар, ёток яралар кувватсиз беморларда пайдо булади. Шунинг учун ёток яраларни олдини олиш энг мухим вазифалардан хисобланади. Ёток яра – decubitus – бу емирилиш. Чириш тукималарни бузилиши некроз ёток ярада тери ости тукималари, шиллик каватлар, беморни узок вақт орқаси билан ётиши натижасида эзилиши туфайли, тукималарда кон айланиши бузилиб ва тукима озикланиши (трофикаси) бузилиши натижасида пайдо булади.

Ёток яралар огир беморларни, уларни орқасида, кукракда, товонида, эснасида думгазасида пайдо булади (расм 12).

Ёток яралар пайдо булишидан аввал терида кукимтил кизил рангда чегарасиз пуфакчалар пайдо булади. Кейинчалик тукималар борган сари яралар чуқурокка кириб мушаклар пайлар, суякларни зарарлайди.

### **Эслаб колинг!**


Огир беморларда ёток яраларни олдини олиш учун:

1. Хар 2 соатда огир беморни ҳолатини узгартириб туриш, пайдо булаётган ёток ярага эътибор бериш (расм 12 а)
2. Беморни тушак чойшабларида нон ушоклари, чойшаб бурмалари булмаслиги керак.
3. Бемор гадир-будур тушак чойшабларида ётмаслиги керак.
4. Нам ёки ифлосланган ички кийимларни алмаштириш
5. Думгаза остида резинали чамбарча куйиш (расм 12 б )
6. Ёток яраларга қарши тушакдан фойдаланиш (расм 13)
7. Ёток яралар купинча пайдо буладиган жойларни эрталаб ва кечкурун иссик сув билан ювиш, 10 фоизли камфора спирти ёки 0,5 фоизли нашатир спирти, 1 фоизли салицил спирти, туалет совуни ёки сирка кислотаси билан пахта тампон билан укалаш керак
8. Ёток ярани биринчи белгиси терини кизариши пайдо булганда, кунига 1-2 марта терини 5-10 фоизли перманганат калий эритмаси билан тозаланади.

### **Огир беморларни парвариш қилишнинг айрим жиҳатлари**

Беморни ташки қуринишини кузатиб туриш мухим роль уйнайди. Беморни сочи хар куни бир маротаба тараб туриш, ҳафтада эса албатта 1 марта бошини ювиш тавсия этилади. Мунтазам равишда кул тирноқларини усган қисмларини кесиб туриш (гигиеник ваннадан, душдан кейин, оёгини ювгандан сунг қилиш мақсадга мувофиқ).

Дармонсиз ва иситмада ётган беморларда оғзида, шиллик пардасида, тишларида губор қарашлар пайдо булади. Оғиз бушлигида яллиғланиш ёки




а



б

Расм №10 Оғир беморларда бошни ювиш (а) ва оёқни (б) ювиш қоидаси




а




б


Расм №11 Оралиқ соҳа парвариши:  
А) «Биде» ёрдамида;  
Б) оралиқни ювиш



Расм №12 Ётоқ яраларни кўп учрайдиган  
соҳалари



ГАДИР-БУДУР  
ГУШАК



йирингли жараён кузатилади. Шунинг учун ҳам ҳар қачон овқат қабул қилингандан сунг қунига 2 маротаба оғиз бушлигини, тишларини тозалаб турилиши керак, антисептик моддаларда чайқаб туриш керак (расм 14).

Кетма-кет бажариладиган ҳаракатлар:

1. Стерил стерил салфетка билан тилни ураб чап қул билан аста-секин оғиз бушлигидан тил тортилади
2. Пахта шарчани антисептик эритмага намлаб тилдаги қарашларни тозалаш
3. Тилни тушуриг, тампонни алмаштириг, тишларни тозаланг, оғиз бушлигини ва ички томонларини тишларни топиш учун шпателдан фойдаланилади
4. Агар беморни қуларидан ажралмалар чиқиб қиприқларни ёпиштириб қуйса унда эрта билан стерил стерил салфетка билан антисептик эритмада намлаб 0,02 фоиз фурациллин эритма ёки 1-2 фоизли натрия гидрокарбонат эритмасида артинг (расм 15 а)

Кетма-кет бажариладиган ҳаракатлар (расм 15 б,в):

1. Қулни пухталиқ билан ювинг
2. Стерил жомчага 8-10та тампон ва унга биронта юқоридаги эритмалардан қуйинг
3. Тампонни бироз сиқинг ва қиприқларини, қовоқларини қузни ташқи бурчаги бўйлаб ичкари томон артинг
4. Бошқа тампонни олиб турли тампонлар билан 4-5 маротаба артишни қайтаринг
5. Қолган эритмани қурук тампонлар билан намланг. Агар бурундан ажралмалар аниқланса, унда бурундаги ажрамаларни турундалар бурунни тозаланг, бунда бурун йулларига енгил айланторма ҳаракат билан бурунни тозаланг

Бурундаги пайдо бўлган қобуқларни пахта турундалар билан олиб ташланг ва бурунни вазелин билан ёки усимлик мойи, глицеринни намлаб бурунни бушлигида 2-3 дақиқа қолдириг.


Тахминан бурунга юқоридаги мойлардан бирини томизиб сунг қобуқни пахта тампон билан олиб ташлаш керак

Тувак ва сийдикдонни қуллаш

Агар бемор ётоқ ҳолатида бўлса беморни бушаниши учун тувақдан фойдаланилади. Тувак икки турда бўлиб: металл ва резинали бўлади (расм 16 а,б,в,г).

**Эслаб қолинг!**

1. Беморни атрофдагилардан қучма парда билан тусиб тосни тагига сув қогоз қуйинг
2. Тувақни иссиқ суб вилан чайқаб, унда озгина сув қолдириг
3. Думгаза остига чап қулни қелтириб беморга ёрдам бериб тос қутарилади, беморни оёғи тиззасидан бўқилган ҳолда бўлади



Расм №13

Ётоқ яраларни олдини олиш  
(матнда курсатилган)



Расм №14


Оғир беморларда оғиз бўшлиғини  
парвариши





Расм №15

Кўз парвариши а) кўз тозалови учун керакли  
нарсалар б) в) ҳаракатларнинг кетма-кетлиги



Расм №16 Тувак турлари: а) эмалланган; б) резинали;  
в) эркак ва; г) аёллар учун сийдик туваклар



Расм №17 Тувакларни қўллаш

4. Унғ кули билан тувакни думбасини тагига олиб борилади, беморни оралиги тувак тешиги устида булиши керак
5. Беморни узини колдириб уни адеял билан ураб куйиш керак
6. Тувакдаги ажралмани тукиб ташлаб, иссик сув билан чайкаб тувакка «гигиена» кукуни сепилади
7. Беомрни оралиги ювилиб, куритиб: сув когоз олиб ташланади
8. Тувакни дезинфекцияловчи эритмалардан «Дезоксон-1» хлорли охаклардан бирида тувакни тозалаб бериш

Резинали тувак бедармон касалларда, шунингдек ёток яралари бор, нажасини ва сийдигини ушлай олмайдиган беморларда кулланилади.

Тувакни итариш керак эмас, чунки думгазани эзиб куяди. Тувакни каравотга куйиб албатта беморни тагига сув когоз куйиш керак.

Беморга сийдикдонни беришдан аввал уни иссик сувда чайилади, сунг фойдаланилгандан сунг ажралмаларни тукиб яъни иссик сув билан чайилади.

Сийдикдаги аммиак хидини йукотиш учун хлорни водород кислотасидан ёки «Санитар-2» воситасидан фойдаланилади.

### III. БОБ. БЕМОРЛАРНИ ОВКАТЛАНТИРИШ

#### Сунъий овкатлантириш

Агар бемор меъёрий овкатланиш огзи оркали (биронта касалликлар огиз бушлиги касалликлари, кизилунгач, ошкозон касалликларида) кийналса сунъий овкатлантириш ташкил этилади.

Сунъий овкатлантириш зонд ёрдамида амалга оширилади (расм 18). Зонд (найча) бундай вазиятларда ошкозонга бурун ёки огиз оркали ёки гастростома оркали киритилади.

Овкат эритмаларини хукна ёрдамида ҳам бажариш ёки бошка усуллардан парентераль (вена ичига томчилаб) йул билан бериш мумкин.

Тиббий хамшира зонд билан юбориш усулини яхши узлаштириш керак. Бу максадда куйидагиларни тайёрлаш керак.

- ингичка стерил резинали найча диаметри 0,5-0,8 см
- вазелин ёки глицерин
- 600-800 мл суюк овкат (ширин чой, морс, хом тухум, минерал сув газсиз, оксил, ёг, углевод, витаминлар, минерал тузлар мавжуд + шурва)

#### Кетма-кет бажариладиган ҳаракатлар (расм 18)

1. Зонд вазелин (глицерин) билан суркалган
2. Бурунни пастки йулига 15-18 см чуқурликка киритилади
3. Кафтни чап бармоклари билан зондни бурун халкумидалигини аниклаб зондни халкум орка деворига сиқилади


Эслаб қолинг!

Агар шундай назорат қилинмаса зонд трахеяга тушиши мумкин.


4. Беморни бошини бироз олдинга энгаштириб унғ қуллар билан кизилунгачни урта қисмигача зондни суриб зонддан ҳаво чиқмаса ва овози сакланса демак зонд кизилунгачдалиги билинади
5. Зондни эркин учини воронка билан уланг
6. Аста-секин воронкага овкат қуйинг
7. Сунг воронкага тоза сувни қуйинг зондни ювиб олиб ташланг (зондни токи сунъий овкатланиш давомида 2-3 ҳафтагача чиқарилмайди)

Беморни гастростома оркали овкатлантириш курсатма кизилунгачдан овкатни утмай қолганда, ошкозонни бўғзи бекилиши ҳолатлари ҳисобланади.


Бу пайтда зондни (зонд қисмига воронка уланиб воронка оркали овоз порция оркали 50 мл) 6 маротаба қунига ошкозонга илитилган овкат суюқ




Расм №18 Зонд оркали беморни озиклантириш



Расм №19 Гастростом ёрдамида беморни озиклантириш



Рисм №20 Парентерал озиклантириш



Рисм №21 Термотест

холда булиши керак. Аста-секин овкатлантиришни меъёри купайтириб то 250-500 мл (расм 19) га купайтириб, овкатлантириш сонини 4 маротабагача камайтиради. Баъзан беморга овкатни чайнашга рухсат берилади, сунгра овкатни стаканда суюлтириб аралашган холатда воронкага куйилади.

Бундай овкатлантиришда рефлекслар кузгалиб ошкозон секрециялари сакланади. Хукна ёрдам оркали тугри ичакка томчи холда 300-500 мл ( $37-38^{\circ}\text{C}$ ) 5 фоизли глюкоза, изотоник эритмаси ёки аминокислота томчи холда юборилади.

Оз микдорда ноксимон резинали баллонда суюклик юбориш мумкин. Овкат хазм килиш йулларидан овкат утмаса усма, кизилунгча, ошкозон, ичак йулларида операция бажарилган булса, нозик кувватсиз беморларни операцияга тайёргарлик курилганда парентерал овкатлантириш тавсия этилади. Бунинг учун гидроксил гидролизин саклайдиган препаратлардан аминокислоталар, гидролизин оксил гидролизат, казеин, фибриносол, альнезин, левамин, полиамин, дипофундин, интралипид, 10 фоизли глюкоза эритмаларидан фойдаланиш мумкин, бундан ташкари 1 литргача электролитлар, витаминлар группасидан В, аскарбин кислоталар юборилади.

Парентерал овкатлантириш учун вена ичига дориларни юбориш учун махсус «учлик» «тройник» дан фойдаланилади (расм 20). Бу бир вазннинг узида оксил, ёг, углевод юбориш учун кулай хисобланади.

Венага юборишдан аввал дориларни иситиб сув хаммомида тана харорати ( $37-38^{\circ}\text{C}$ ) иситилади. Препаратларни юборишда тезлигига эътибор бермок керак. Препаратлардан гидролизинни, оксилгидролиз ва фибриносол полиамин биринчи 30 дакикада 10-20 томчидан сунг бемор яхши сезса дорини юбориш тезлигини 40-60 томчигача етказиш мумкин.

Полиамин биринчи 30 дакикада 10-20 томчи, чунг 25-35 томчи 1 дакикада юборилади. Липофундин (10 фоизли) биринчи 10-15 дакикада 15-20 томчи (дакикада), сунг аста секин (30 дакика давомида) тезликни 60 томчигача юборилади.

500 мл препаратни 3-5 соат давомида юбориш керак.

Оксил препаратларни тез юборишда кизиш, иссиклик ва юзда гипермия (кизариш) нафасни бугилиши кузатилади.

## ТАНА ХАРОРАТИ ВА УНИ УЛЧАШ

Болалар жамоасида тана хароратини тезда улчаш учун hozirда момент термометр «Термотест» полимерли пластинкали, эмульсия билан копланган суюк кристаллардан иборат термометрда N харфи ёнади, агар харорат 37<sup>0</sup>C юкори курсатса «F» иситмалигида харфи ёнади (расм 21).

Купинча беморларда тана харорати тиббий термометр оркали улчанади.

Коида буйича беморларда кунига 2 мартаба назорда (7-9 с) гача ва кечкурун охирги овкатлантирилгандан олдин (17-19) гача. Хароратни овкатдан сунг улчаш тавсия этилмайди. Купинча тана хароратини улчашда термометрни култик остида улчанади, агар бемор айёргарчилик килса иккала култик остида улчанади. Болаларда эса баъзан чов сохасида улчанади.


Кетма-кет бажариладиган харакатлар (расм 22 а,б,в,г)

1. Термометр курук килиб артилади
2. Симоб 35-<sup>0</sup>C шкаладан пастда булишига ишонч хосил килганда
3. Култик остини курук килиб артинг (нам тери термометрни курсаткичи нотугри курсатади)
4. Култик остида кизариш гипермия кузатилса, махаллий яллигланиш жараёнларда тана хароратини улчаш мумкин эмас
5. Термометр симоб учини култик ости чукурчасига жойланг, у тери билан тулик тегиб турсин (бемор термометрни елкаси билан кукрак кафасига сикиб туриши лозим)
6. 10 дакикадан сунг термометрни олиб уни курсатмасини аникланг
7. Олинган натижани шахсий ва умумий харорат варакасига кучиринг (расм 23)
8. Улчаб булгач термометрни силкиб (термометрдаги симоб устунни пастга тушсин) термометрни дезинфекцияловчи эритмага чуктиринг (расм 24 а,б).

Баъзан тана харорати огиз бушлигида ёки тугри ичакда утчанади. Биринчи холатда термометр тил остида эгилиб танаси лаблар билан ушлаб турилади. Тугри ичакдан улчанганда вазелин билан артилиб орка пешов кисмига киритилади, уни фиксация килиш учун иккала думба яхшилантрилади.

### Иситма

Иситма деб, организмнинг узгариш жараёнида касб этган мослашиш реакциясига айтилади. Бу реакция юкумли ёки тукималарнинг парчаланиши махсулотларидек кучли таъсуротларга жавобан тана хароратининг кутарилиши билан намоён булади, микроблар ва улар ажратадиган махсулотлар микроб пирогенлар бор, бир томондан, иккинчи



Расм №22


Чов бурмаси (а, б, в) ва кўлтиқ ости соҳасида  
(г) тана хароратини ўлчаш

Карта №



ХАРОРАТ ВАРАКАСИ

Хона №


Исмол шарифи Хўсаматов Акбарали



Расм № 23 Харорат варакаси



Расм №24 ТЕРМОМЕТРЛАР ДЕЗИНФЕКЦИЯСИ  
(МАТНДА ТУШУНТИРИЛГАН)



Расм №25 Ректал хароратни ўлчаш

## ИСИТМАЛАР



Расм №26 Иситма турлари:

томондан ок кон таначаларини (нейтрофилларни) таъсирлантиради, бунга жавобан уз пирогенларини ишлаб чикиб конга ажратади. Бу пирогенлар инфекцияга карши фаол курашади. Худди шунга ухшаш вирус инфекцияга жавобан организмда интерферон ишлаб чикилади, ишлаб чикариш жараёни куп кувват сарфланишини талаб килади ва иситмадагина руй беради, тана харорати меъёрий булганда эса жараён тухтайди. Пироген моддалар пульс, иситма моддалар улчанади, организмларнинг патоген омиллар ва микробларга карши курашишда мухим ахамият касб этади.

Кам ҳолатларда иситма невроген ҳаракатда булиб нерв системасининг функционал ва органик узгаришларига боғлиқ, усма термофузияция функциясининг бузилиши.

Юкори иситма ҳар бир касалликда организмга фойдали булавермай, балки ёмон таъсир курсатиши ҳам мумкин. Иситмани келиб чиқиш сабабларига кура, юкумли ва юкумли булмаган иситмалар фарк килади. Иситмани кейинги хили шаклланган туқималарга дори суртилаётганда кон куйилганда, организмга ёт нарса тушганда марказий нерв тизими шикастланганда, одам захарланишида кузатилади.

### **Эслаб қолинг!**

Иситмалар қай тарика узгариб туришига қараб фарк килади (расм 26).

Баландлигига қараб суб меъёрий ( $36-36^{\circ}\text{C}$ ) меъёрий ( $36^{\circ}\text{C}$ ) ва субфебрил ( $38^{\circ}\text{C}$ ), фебрил ҳароратнинг  $38^{\circ}\text{C}$  да  $39^{\circ}\text{C}$  га кутарилиши,  $39^{\circ}$  дан  $42^{\circ}$  дан ошиши ва  $42^{\circ} - 42,5^{\circ}$  дан ошиши ута юкори иситма деб ҳисобланади (расм 26 а,б,в,г) ҳароратнинг сутка давомида узгаришига қараб иситманинг куйидаги турлари фарк қилинади (расм 27 а,б,в,г,д,е).

1. Доимий иситма юкори даражада узок вақт сакланади, ҳарорат кунига  $1^{\circ}\text{C}$ дан куп узгармайди. Тошмали терлама ва ич терлама ҳамда зотилжам касалликларига хос (расм 28 а).
2. Ремитив иситма юкори даражада узок вақт ичида баланд ҳарорат  $1-1,5^{\circ}\text{C}$  даражада силжиб туради.
3. Гектик – тинка қуритувчи иситма  $3-5^{\circ}\text{C}$  даража атрофида ҳарорат кутарилади ва кескин пасайиб туриши билан характерланади. Кунига 2-3 марта такрорланади.
4. Узгариб турувчи иситма вақти-вақти билан чиқадиган ҳарорат – кун давомида юкори ҳарорат меъёрий ёки паст ҳарорат билан алмашиб туради.
5. Тулқинсимон иситма – тулқинсимон юксалиш ва аста секин пасайиш хусусиятига эга.



Қайталанувчи иситма – муайян даврдаги меъёрий ҳарорат билан алмашилиб туради. Рецидив иситма – меъёрий ҳолатгача тушган ҳарорат, бир неча кун давомида яъни юкори даражагача кутарилади.



Нотугри иситма – ҳарорат тебранишларини ҳеч бир изохлаш имконияти тугилмайди.

Нотипик иситма – маълум ҳасталик учун хос булмаган бир тарзда намоён буладиган ҳарорат.



РАСМ № 26.


ИСИТМА ТУРЛАРИ (ДАВОМИ)

 $T^{\circ}\text{C}$  $T^{\circ}\text{C}$ 



Расм №27 Харорат эгрилиги турлари  
 а) доимий; б) ремиттирловчи (тушувчи);  
 в) гектик (тинка куритувчи); г) қайталанувчи;  
 д) тўлқинсимон; е) ўзгариб турувчи





Расм №28. Иситманинг ҳар хил давларида беморни парваришлан: а) 1-даврда б) 2-даврда в) 3-даврда

Нотугри талкин килинган иситма – эрталабки тана харорати кечкисидан юкори булади.

### Иситмалаётган беморларни парвариш килиш

Иситманинг ривожланиши уч даврга булинади: харорат кутарилиши, юкори даражага чикиши ва пасайиши. Хароратни бу даврларида хар биринг уз клиник куринишлари бор, шунга кура беморларнинг парвариш килишнинг хам узига хос хусусиятлари булади.

1. Хароратнинг кутарилиш даврида иссиклик хосил килиш иссиклик йукотишдан устунлик килади. Бу давр бир кеча соат, бир неча кун ва хатто хафталаргача давом этиши мумкин. Бемор хароратнинг тез кутарилишни анча огир утказди, уни иситиш, иссик килиб чирмаш, иситкич куйиш, иссик ичимликлар (чай, кахва) ичириш керак.

2. Хароратни юкори кутарилган даврда иссиклик йукотишдан кучайиши билан иссиклик хосил килишнинг кучайиши нисбий мувозанатда булади. Бу давр бир неча соатдан бир неча хафтагача давом этади.

Иссикликнинг бузилишига оладиган ходисалар кузатилади. Биринчи навбатда моддалар алмашинуви бузилади, бир томондан иситмалаш кучаяди, иккинчи томондан эса хазм хамда сурилиш фаолияти ва иштаханинг пасайиши туфайли организмга озикли моддалар тушиши камаяди. Беморларнинг харорат канча юкори, канчалик узок давом этадиган ва куп узгарадиган булса, бемор шунчалик дармонсизланади. Иштаханинг анча пасайиб кетганлиги хисобга олиб овкатни тез-тез кунига 6-7 марта бериш бунинг учун харорат бирмунча пасаядиган пайтидан кечкурун ва хатто тунлари хам фойдаланиш зарур. Хар 20-30 дакика касалга оз-оздан суюклик ичириш керак. Суюклик билан бирга витаминлардан С ва А дан киритиш тавсия килинади, чунки иситмада уларга булган эхтиёж ошади. Шу максатда сабзаёт, мева ёки данакли меваларнинг сувлари ёки морслар, мева кокиси, биринчи галда наъматак дамламаси, сут, чай, минерал сувларни ичириш фойдали (расм 28 б). Асаб системасининг чала оксидланган махсулотлари ва микроб захарларидан захарланиши одатда бош огриши, уйкусизлик, тезда чарчаш ва шу кабилар билан намоён булади. Бирок, эса – хушнинг кирди-чикди булишидан, то бутунлай йуколишигача бориб етказиб куйиши, алахлаб булимдан чикиб кетиши ва хатто деразадан узини ташлаб юбориши мумкин. Буни беморни парвариш килишда ходимлар гоят хушёр булишлари жуда мухим. Беморни имкони борица бошкалардан ажратиш ва унга хамшира караб туриши керак. Бундай беморнинг каравоти ён томонига парда тутиб куйилади.

Иситмада юрак-кон томирлар системаси ва нафас фаолиятларининг бузилиши харорат кутарилишига (пропорционал равишда артериал босимнинг пасайиши, пульс хамда нафаснинг тезлашиши) боглик булади. Хароратнинг 1 градусга ошиши пульснинг хар дакикада урта хисобда 8-10 марта тезлашишга (ич терлама ва менингит бундан мустасно) сабаб

булади. Тиббиёт хамшираси беморни кузатишда унинг пульси ва нафасига караб ахволини аниқлай олиши ва шунга яраша унга диккат эътиборни кучайтириш лозим.

Иситма юкори чуқкига чиккан даврда хамшира биринчи навбатда беморни тинчлантириш, физикавий (муз халталар, совук сувга хулланган сочик, вентилятор ва б.к.лар) кимёвий (баданни кизаргунча сув спирт, арок-сув, одеколон-сув ва бошқалар билан ишқалаш) омиллар ва иситмани тушурувчи дори-дармонлардан литик аралашма сифатида фойдаланиб, иситмани тушуришга ҳаракат қилиши керак.

3. Хароратнинг пасайиш даврида иссиқлик ҳосил қилиш қамайган, иссиқлик йукотиш эса ошган булади. Хароратнинг тез, бир неча соат ичида тушиши кризис, бир неча кун мобайнида аста-секин пасайиши лизис дейилади. Харорат сусайиши айниқса критик пасайишда аксарият юрак-томирларнинг уткир етишмовчилиги юз бериши туфайли бемор жуда огир ахволга тушади, бундай вақтда ёрдам курсатилмаса, улим содир булади. Харорат пасайиши куп терлаш билан утиб, пульс ва нафас тезлашмаса, эс-хуш жойига келса, иситмада бесаранжомланиб, ухлай олмаган беморни уйкуси яхшиланса, хатарни кечиши бошқача тус олиши ҳам мумкин. Харорат тез пасайиб, меъёрий даражадан ҳам тушиб кетиши, бемор ахволининг тусатдан ёмонлашишига сабаб булади. Бемор дармонсизлик, ташналик, совкатиш, эт жунжукушидан шикоят қилади. Унинг териси оқаради, сунгра кукаради, баданни совук тер босади, оёқ-қуллари совкатади (расм 28 б).

Артериал босим пасаяди, пульси тез ҳамда кичик «ипсимон» нафаси тез ва юзаки булади. Корачиклари кенгаяди. Уткир томир етишмаслиги – коллапс авж олиб, улим содир бўлиши мумкин.

### **Эслаб қолинг!**

Артериал босим бирданига тушиб кетса, айниқса кескин тана харорати кескин тушганда қилиниши зарур булган ҳаракатлар кетма-кетлиги.

1. Беморни каравотини оёқ қисмини 30-40 см кутариб қуйиш, бош қисмидан ёстикни олиб ташлаш
2. Зудлик билан шифокорни чақириш
3. Беморга иситгичлар қуйиш, уни ураб қуйиш, унга аччик иссиқ ширин чой бериш
4. Шифокорни тавсияси билан беморга керакли дориларни тайёрлаб қуйиш, унга 10 фоизли сульфокамфорани, 10 % кофеин бензоат бериш
5. Умумий ахфоли яхшилангач уни курук қилиб артиш. Қийим кечакларини курпасини алмаштириш.

Агар харорат бир неча кун давомида пасайиб борса литик пасайиш ҳақида гапирилади (пульс), бунда бемор ахволи секин яхшиланиб боради. 15-стол диетаси буюрилади.

## Муолажалар ва гирудотерапия

Тиббий физик омиллари (сув, иссик, совук, свет, электр, электромагнит майдон, ультразвук) нинг даволаш максатида килинган таъсири.

Физиотерапия (грекча – *physis* – табиат ва *therapia*) – даволаш.

### Урта меъёрда таъсир этувчи сув билан даволаш

- ювиниш, кул ва чутка билан ишкалаш
- оёкка, билакка секин-аста хароратни ошириб бориш билан ванна килиш
- оёк ва билакка контраст ванна килиш
- тизза, кул юз ва энса совук сув билан устидан уйиш
- кукракка компресслар

### Уртача меъёрда таъсир этувчи сув билан даволаш

- оёкка ванна, белга утирадиган ва ётган холдаги хароратни аста-секин кутариб борадиган ванналар
- утирадиган ванна ишкалаш билан
- минерал ванна
- иссик ванна хар хил кушимчаси билан
- совук ванна суркаш (утирадиган ёки сонгача) билан
- утирадиган ванна хароратни узгартириш билан танага компресс ёки танани 3/4 кисмини айланма компресс буг ванна
- утирадиган бугли ванна
- сауна

### Кучли меъёрдаги таъсир этувчи сув билан даволаш (29 расм а)

- кизитилган ванна
- рус хаммоми
- танага тезда совук ва иссик сув куйиш
- танани 3/4 кисмини ёки узок вақтга ураб куйиш

### Ювиб тозалаш, укалам

Бу сув билан даволаш усуллари хар куни шахсий гигиена, шунингдек, иситмалаётган ва огир беморларни даволаш учун тугри келади.

Киска вақт совук сув билан ювиб тозалаш сунгра танани укалаш билан даволаш танани чиниктириш воситаси хисобланади. Кон томирлари

ҚАЙНОК


ИССИК

ИНДИФЕРЕНТ

ИЛИК

СОВУК

ЖУДА СОВУК




Рәсім №29 Даволаш ванна турлари таъсир механизми ва давомийлиги:

— тери ажралишши кучайтиради;

— оғриқни камайтиради, мушак таранглигини йўқотади, уйқуни яхшилайди, МНС тинчлантиради;

— енгил таранглатирувчи;

таранглатирувчи таъсир, модалар алмаштирувни яхшилайди. қон томир ва нерв системаси функциясини стимуллайди.





a

тонусини кучайтириб совук сув билан ювиниш иситмалаётган беморларга фойда келтиради.

Контраст ювинишда танани айрим қисмларини аввал иссик, сунг совук сув билан артиш ва кат-кат серяпрок сочик билан курук артиниш керак.

### Ванналар

Сувни таркибига кура ванналар булинади: чучук аромат дорили (дори воситалари кушилган), минерал моддалар ва газлар кушилган холда – сероводородли, карбонат кислотали, радонли ва б.к.лар.

Беморга умумий даволаш ваннаси тавсия этилса у сувга тулик уткизилади, токи ханжарсимон усимтагача (худди гигиеник ваннага ухшаш), сувни устки қисмида факат курак кафасини юкори қисми ва юрак сатхи қолади (расм 30 а). Агар ярим ванна тавсия этилса, киндиккача утказилади (расм 30 б). Беморни бош қисмига сочик куйилади, оёгига тиргак куйилади.

### Эслаб қолинг!

Ваннани қабул қилаётган вақтда тиббий хамшира беморни умумий ҳолатига эътибор бермоғи керак. Агарда беморни ранги оқарса, териси куқарса, титраш қузатилса, бош оғриғи пайдо бўлса, боши айланса, пульси тезлашса, юрак уриши тезлашса, хансираса тезда муолажани тухтатиш зарур.

Шифокорга маълумот бериш лозим. Бемор ванна олгач у 30 дақиқа дам олиши керак.

### Ханталма (горчичник)


Ханталли қогоз терини таъсирлантириш ва теридаги қон томирларнинг эфирли хантал мойидан қенгайиши билан бемор терисига таъсир қурсатади.

Ханталмалар оғриқда, упқа ёқи бронхлар яллиғланиши, қон томирлар спазмаси ва бошқа қатор қасалликларда қулланилади.

Ханталмани тери қасалликларда, юкори ҳароратда (38<sup>0</sup>С)да, упқадан қон оқишида, усма қасалликларда қуллаш мумкин эмас (расм 31).


### Қетма-қет бажариладиган ҳаракатлар (расм 32 а,б,в,г,д)

1. Ханталмани яроқлигини текширинг, ханталма туқилмаслиғи керак ва хантал маҳсус хид саклаш керак
2. Жомчага қайноқ сув қуйинг (40-45<sup>0</sup>С) юкори ҳароратда хантал мойи бўзилади
3. Беморни қулай ҳолатга ётқизинг



б

Расм №30 Ванналар  
а) умумий, б) маҳаллий



Расм №31 Горчичниклар (хантал) қўйиш

---

1962



4. Ханталмалар 5-10 дакика кайнок сувда чуктирилгач ханталар томонини терига зич ёпиштиринг
5. Беморни сочик ёки адеял билан ёпиб куйинг: бир неча дакикадан сунг бемор терисини ачиши ва кизиганини сезади
6. 5-15 дакикадан сунг хантални олиб ташланг (териси кизарган булади)
7. Терисини стерил салфетка билан артинг, стерил салфетка илик сув билан намланган булсин, сунг сочик билан курук килиб артинг ва яна иссик килиб ёпиб куйинг

### **Эслаб колинг!**

Узок муддат хантал таъсир этса тери куйиши мумкин ва пуфакчалар пайдо булади.

### **Банкалар**

Бу муолажа яллигланиши сурилишини яхшилаш, огрикни камайтириш максадида аъзолар ва тукималарнинг кон билан таъминланишига рефлектор таъсир курсатиб, бадан терисига физикавий таъсир килади. Натижада яллигланиш усуллари тулдирилади.

### **Эслаб колинг!**

Банка куйишга монелик:

Упкадан кон окиши, упка сили ва кукрак кафаси усмалари, тери касалликлари, талваса утиши билан утадиган умумий кузгалишлар.

Кетма-кет бажариладиган ҳаракатлар (расм 33 а,б., расм 34 а,б,в,г,д,е)

1. Одатда банкалар беморнинг ётган ҳолатида 10 тадан 20 тагача куйилади. Банкани ишлатишдан аввал уларни иссик сувда яхшилаб ювилади, курук килиб артилади четлари учмаганлиги текширилиб курилади ва беморнинг урни ёнига куйилади.
2. Беморни кулай ҳолатга ётқизинг, бошини бир томонга айлантиринг, кули ёстикни ушлаб турсин
3. Танасини уст-бошларидан озод килинг
4. Беморни терисини туклар билан копланган булса киринг, сунгра терисини илик сувда ювинг, сочик билан ёпинг
5. Агарда беморда сочи узун буса уни сочик билан беркитинг
6. Кул билан терисига юпка килиб вазелин сурканг
7. Пиликни спиртга намланган, ортикчасини сикиб ташланг, спиртни копкогини беркитиб бир томонга куйинг
8. Пиликни ёндиринг ва чап кулингизга олиб 1-2 банка олиб тезлик билан 1 F 2 1 ёниб турган пиликни банкага киргизиб ва гайрат ҳаракат билан бутун калин киргоги билан терига босинг, шундай килиб ҳамма банкани куйинг.



Расм №33 Банкаларни қўйиш соҳалари (а) ва  
модделар таркиби (б)





Аланга факат банкадаги хавони кизитсин банкани киргоги кизимасин. Терини куйдириши мумкин

1. Беморни сочик ёки адеят билан 10-15 дақиқага ураб туриш
2. Навбатма-навбат банкларни олиб ташланг бир кулда банкани бир томонга бураб бармоқ билан терини киргогини босилади ва банклар олиб ташланг. Бунда банка ичига хаво кириб у енгил теридан ажралади.
3. Терини пахта билан артинг, беморни кийинишига ёрдам беринг ва уни ураб куйинг, бемор банка куйилгандан сунг 20-30 дақиқа ётиши керак.
4. Банкларни артиб куйиб уларни жомчага жойлаб куйинг

### Иситкичлар

Иситкич – курук иссик – силлик мушакларни рефлектор бушаштиради ва кон айланишини кучайтиради.

Исстикч яллигланиш жараёнларини суриш, танани иситиш, огрик колдириш учун кулланади. Иситкични корин бушлигидаги уткир яллигланиш жараёнлар кур ичак, холецистит, усмалар, кон окишида кулланилмайди.

Иситкичлар резинали ва электр мосламаларидан иборат булади.

Резинали иситкич сигими 1,5 л огзи яхши бураб беркитиладиган резина идишлардан иборат. Иситкич сочикка ураб куйилади ва совугунча ушлаб турилади.

Сувда иситкич урнига электр иситич ишлатиш мумкин, унинг иссиклик даражаси реостат билан бошкарилади, шнурнинг ёстикча билан туташган жойда булади.

Иситкични тайёрлаш техникаси (расм 35 а,б,в,г) да курсатилган.

### Муз солинган халгача

Муз солинган халгача кулланилади: Курук совук таъсири тери томирлари торайиши ва чукур жойлашган органлар томир торайиши ва нерв томир сезувчанлигини пасайишига асосланган.

Кон кетганда, уткир яллигланиш жараёнларнинг бошлангич боскичларда, лат еганда (огрикни колдириш учун), хашпоратлар чакканда кулланилади.

Муз халгачада паст харорат узок вакт сакланади. Муз солинадиган халгача огзи анчагача катта ва ураб беркитиладиган резина копчикдан иборат (расм 36) муз халгачадаги майда булакчаларга майдаланади ва халгачанинг ярмигача муз билан тулдирилади.


Халгачадан хаво сикиб чикарилади бураб беркитилади, терини ортикча совутиб юбормаслик учун муз халгача турт кават кириб букланган сочикка уралади. Халгача хул булса уни артиш керак. Халгачанинг босиб туриш, каттик огрик булса, уни касал соха устига осиб куйилади.

### Эслаб колинг!

Муз халгачага куйилган сув музлаб колиши мумкин эмас. Муз эриган сари сувни тукиб: урнига муз майдаларидан кушилади. Муз халгачани узок ушлаб туриш мумкин аммо хар 20-30 дақиқада албатта 10-15 дақиқа олиб турилади





Рис. №35 Иситкич халтани тайёрлаш (а,б,в) ва, беморга қўйиш



Расм №36

Муз солинган халтачани қўллаш  
учун тайёрлаш




20 мин.





Расм №37

Совук компресс.



Рисм №38

Иссик компресс.



## Компресслар

Компресс чалгитадиган ва сурадиган восита сифатида таъсир килувчи куп каватли даво богламидир. Компресслар икки турда булади. Хул ва курук, махалий ва умумий.

Иситувчи ва совук компрессларга (расм 37) булинади.

Иситувчи компресслар (расм 38) теридаги ва чукур жойлашган кон томирларнинг узок вақтгача кенгайишини юзага келтиради, шунинг натижасида шу жойга кон окиб яллигланиш жараёни сурилади ва огрик камаяди. Иситувчи компресс тананинг исталган жойига куйиш мумкин.

Компресслар 3 каватдан иборат зич, юмшок. Гигроскопик газмоли бумазеи, стерил салфетка ва бошқалар, парчаси хона хароратидаги сувда хулланади ва яхшилаб сикилади. Сув коғоз ёки мум коғоз, пахта ишлатилади.

Шундай килиб тайёрланган компрессни тана соҳасига нам кавати терига зич ёпишиб турадиган килиб тартиб билан куйилади. Боғлам устидан иссик жун, румол, буйинбоғ ишлатилади. Компрессни куллаш давомийлиги урта ҳисобда 6-8 соат эрталаб ва кечкурун алмаштирилади. Компресслар учун илик сув, кучсиз сирка эритмаси (0,5 л сувга 1 от кошик) арок, одеколон ёки сув кушиб суюлтирилган спирт ишлатиш мумкин.

Совук компресс (расм 37) намламалар лат еганда, жароҳатланганда кон окканда куйилади. Улар махаллий совутади ва кон томирларни торайтиради, кон туликлигини ва огрикни тухтатади. Совук компресс учун бир неча кават килиб букланган дока ёки газмол парчасини олиб, уни совук сувда хулланилади, сикилади ва керакли жойга 2-3 дақиқа компресс исигунча куйилади.

Иситувчи компресслар кушимча курсатмалар булиб тана хароратини ортиши турли теридаги елитканиш жараёнлари, травмалар, урта куландали касалликлари.

Кетма-кет бажариладиган ҳаракатлар (расм 39 а,б,в,г):

1. 6-8 кават докани уй шароитида сувга ёки 45<sup>0</sup>С этил спиртида намланг ва яхшилаб сиқинг
2. танани касал жойига дока куйинг
3. Дока устига катта ҳажмда компресс коғозни устига тулик дока билан копланг
4. Коғозни устидан пахтани куйинг
5. Компрессни бинт билан мустаҳкамланг, компрессни 8-1 соатгача колдиринг (купинча компресс кечасига куйилади)

### Эслаб қолинг!

1. Компресс учун кулланиладиган дори моддалари терига кучли таъсир этиш керак, шунинг учун компрессдан аввал терини болалар креми ёки вазелин билан сурканг.

2. Спиртли компресслар тезда қурийди, шунинг учун ҳар 4-6 соатда алмаштириб турилади.
3. Йод суркалган терини компресс қуйиш мумкин эмас, терида чуқур қуйиш чиқаради.

### Гирудотерапия

Тиббий зулук даволаш мақсадида қон чиқарувчи ва маҳаллий қон ивишига қарши восита сифатида қулланилади. Зулукни сулак беҳида гирудин – моддаси бўлиб қон ивишини тухтатади, бу билан тромб келиб чиқишини олдини олади. Оч зулук 10 мл қонни суриши мумкин, туйғач узи тушиб кетади, аммо қон оқиши жароҳатдан давом этади 6 соатдан бир кеча давомида қон тухтамайди, шундай қилиб 8-10 та зулуклар 300-400 мл қон йуқолишига олиб келади.

Даволаш мақсадида факат оч зулуклар яроқли бўлиб, улар аквариумда 2-3 ойгача сузиб юришади.

Кетма-кет бажариладиган ҳаракатлар (расм 40 а,б,в,г)

1. Зулуклар қуйиладиган жойни илик сувда намланган стерил шарча билан тозаланг
2. Зулуклар қуйиладиган жойни стерилланган глюкоза эритмаси билан намланг (қонни терига қуюлишини чакиради)
3. Пробиркани тагига зулукни орқа сургичини утказинг
4. Пробиркани танага келтириб ва зулукни терига керакли жойига йулланг
5. Пробиркадан зулукни озод қилинг, зулук терини тишлаши билан шу замон зулукда тулкинсимон ҳаракат пайдо бўлади
6. Орқа сургичга стерил стерил салфеткани қуйинг, шундай зулукни терида суришни фаоллигини сусайтиради
7. Шундай тарзда ҳамма зулукни қуйинг

### Эслаб қолинг!

Зулукни қон томирлар устига қуйиш мумкин эмас, чунки қучли қон оқишини келтириб чиқаради. Сургичсимон усимтага зулукни қуйишда қулоқни супрасидан 1 см четга қуйиш керак. Болдирга қуйишда эса венадан 1 см иккала томондан шахмат шаклида қуйилади.


### Эслаб қолинг!

Болғамни бир қун давомида алмаштириш мумкин эмас. Агар болғам қон билан шимилган бўлса. Унда устидан бинтлаб қуйиш керак, болғамни эртасига алмаштирилади. Қон кетиши тухтаса тери ва жароҳат пахта шарча билан 3 фоизли пероксид водород билан намланган болғам қуйилади, қуруқ болғам 2-3 қуни қуйилади. Агарда жароҳатдан зулук қуйган жойдан қон оқиши давом этса стерил шарча қучли марганцовка қалий номланган болғам қуйилади.





Расм №39

Махаллий иситувчи компрессни қўйиш учун тайёргарлик



# ОҒИЗ СЎРГИЧИ



КАЙНАТИЛМАГАН  
ТИНДИРИЛГАН СУВ

8



8.



Расм №40

2

Зулук қўйиш сохалари (а) ва бу муолажада ҳаракатлар кетма-кетлиги (б, в, г)

### Дори воситаларини куллаш йуллари

Дори моддалари юборишнинг турли усуллари мавжуд, ташки усул – тери копламалари, шиллик пардалар ёки нафас йуллари оркали ва ички (энтерал) огиз ёки тугри ичак йулларини четлаб утиш (парентерал) юбориш усули.

### Дори моддаларини ташки куллаш

